

Мамлакатимизда дон етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги

Эрназаров И.– ҚМШИ, профессор

Мамлакатимизда донли экинлар етиштириш етакчи тармоқлардан бўлиб, аҳолини нон ва нон маҳсулотлари, ёғ, ўсимлик оксили билан таъминлаш билан бирга экинларни алмашлаб экиш тизимида тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш имкониятларини яратади.

Дон учун етиштириладиган экинларга бошоқли дон, ёғли, дуккакли экинлар билан бирга маккажўхори, оқ жўхори, тарик, маржумак ва бошқа экинлар киради.

Донли экинларнинг кўпчилигининг илдиз тизими майда илдизчалардан иборат бўлиб, тупроқнинг 1,5-2,0 метр чуқурликларида кенг тарқалиб, тупроқнинг механик таркибини яхшилаши билан бирга бундай илдизлари воситасида тупроқнинг капиллярлик хусусиятини яхшилайти. Айниқса, бошоқли дон экинларининг илдиз қолдиқлари клетчатка, гемицеллюлоза, пектин ва бошқа полисахаридлардан иборат бўлиши сабабли тупроқда бирмунча узоқроқ сақланиши эвазига тупроқнинг капиллярлик хусусиятини яхшиланишида катта рол ўйнайти. Шу билан бир қаторда донли экинлар илдизлари тупроқнинг ҳар қандай зичлашган қаттиқ қатламларини ҳам тешиб ўтиб, физик-кимёвий хусусиятларини яхшилайти.

Дон берувчи экинлар орасида дуккакли дон экинлари алоҳида аҳамият касб этади. Одатда, дуккакли дон экинлари юқори сифатли оксил, витаминлар ва бошқа тўйимли моддаларни донида тўплаши билан бирга илдизида симбиоз ҳолда яшайдиган туганак бактериялари воситасида ҳаводаги эркин азотни ўзлаштириб, ерни табиий азотга бой этади.

Донли экинларнинг муҳим жиҳатлари ҳисобга олиниб, “Донли экинларни етиштириш, дастлабки ишлов бериш ва сақлаш технологияси” бўйича қатор илмий тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизнинг жанубий минтақалари шароитида вегетацион даврнинг давомийлиги ва ҳаво ҳароратининг юқори бўлишини ҳисобга олиб, ердан йил давомида узлуксиз фойдаланиш тизимида бир йилда икки марта

дон ҳосили етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш ишлари давом эттирилмоқда.

Суғориладиган ерлардан самарали фойдаланиб, бир йилда икки марта дон ҳосили етиштиришда донли экинларнинг мақбул экиш муддатларини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Бу соҳада ўтказилган илмий-тадқиқот ишларимизнинг натижалари бўйича кузги буғдойнинг мақбул экиш муддати октябр ойининг ўртаси бўлиб, ушбу муддатда экилган кузги буғдой мўл ва сифатли дон ҳосили етиштиришни таъминлайди.

Кузги буғдой ҳосили йиғиштирилиб олинган кезларда ёзнинг ўртасидаги ҳаво ҳароратининг юқори бўлишлиги такрорий экинларни ундириб олишни қийинлаштириши билан бирга суғориладиган ерларда ғўза етиштирилиши сабабли экинларни суғориш учун режалаштирилган сувнинг асосий қисми ғўза етиштиришга сарфланиб, такрорий экинларни суғоришга етмайди. Шу сабабли ҳам кузги буғдой анғизида ёзнинг иккинчи ярми мобайнида такрорий экинлар етиштиришда қурғоқчиликка, юқори ҳароратга чидамли ва сувни кам талаб қиладиган экинлар экилиши керак. Ана шундай экинлар жумласига кунгабоқар, тарик, тарвуз ва бошқа экинларни кўрсатиш мумкин.

Тажрибаларимиз натижаларидан аниқланишича, тарикни, мошни, тарвузни, кунжутни кузги буғдой ҳосили йиғиштирилиб олингандан сўнг анғизини икки ярусли плуг билан ағдалиб ҳайдалиб, заҳира сув билан суғорилиб, ернинг етилиши билан оғир мола ва борона ўтказиб тегишли технология бўйича қурғоқчиликка чидамли такрорий экинлар қанча эртачи экилса, ҳосилдорлиги ва ҳосил сифатининг шунча юқори бўлишлигини кўрсатди.

Агарда ёзнинг иккинчи ярмида экинларни суғориш учун сув таъминоти етарлича бўлган тақдирда кузги буғдой анғизида такрорий экин сифатида маккажўхори етиштирилишининг самарадорлиги юқори бўлишлигини кўрсатди.

Мамлакатимизда дончиликни янада ривожлантиришдаги улкан муаммолардан бири бегона ўтлар ҳисобланади. Илгари бегона ўтларнинг

келтирадиган умумий зарари 20-40% ни ташкил этган бўлса, эндиликдаги бегона ўтлар келтирадиган зарарлар салмоғи 50% ва ундан ҳам ошиб кетмоқда. Бунинг асосий сабаби бошоқли дон экинларининг ёппасига қаторлаб экилиши натижасида қатор ораларига ишлов берилмаслигидан деб қараш лозим бўлади. Шу сабабли ҳам ғаллазорларда бегона ўтлар йилдан-йилга кўпайиб бормоқда.

Ўтказилган тажрибаларимиз натижаларидан аниқланишича март ойининг охири, апрел ойининг бошида ҳар гектар ер ҳисобига ғаллазорлардаги икки паллали бегона ўтларга қарши Гранстар гербицидининг 15 г/га, бошоқли бегона ўтларга қарши Пума супер гербицидининг 1 л/га меъёри аралаштирилиб сепилганида ҳар иккала гуруҳларга мансуб бўлган бегона ўтларни тўлиқ бартараф этишлиги аниқланди.

Мамлакатимизда мўл ва арзон дон ҳосили етиштиришда органик ва минерал ўғитлар катта рол ўйнайди. Ҳозирги вақтда етиштирилаётган дон ҳосилининг деярли ярмиси ўғитлар ҳисобига шаклланмоқда. Ўғитлар самарадорлигини оширишда тупроқдаги қолдиқ ўғитлардан ҳам самарали фойдаланиш муҳим рол ўйнайди. Чунки минерал ўғитларнинг тупроқдаги қолдиғи беҳуда исроф бўлиши билан бирга тупроқ экологиясига ҳам салбий таъсир этади. Тажрибаларимиз натижалари бўйича кузги буғдой аңғизида тарик такрорий экин сифатида ўғитсиз етиштирилганида тупроқдаги қолдиқ ўғит ҳисобига учдан бир қисми ҳосили шаклланиши аниқланди.

Шунингдек, ғаллачиликни янада ривожлантиришда лалмикор ерлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш алоҳида аҳамият касб этади. Лекинда, лалмикор ерларда сурункасига монокультура усулида фақат бошоқли дон экинлари экилиши сабабли тупроқ унумдорлигининг кескин пасайиб кетиши кузатилмоқда. Бундай салбий ҳолатнинг олдини олиш мақсадида лалмикор ерларнинг унумдорлилик даражасини ошириш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Бунинг учун нўхат билан бошқа лалмикор экинларни алмашлаб экиш агротехнологиясини ишлаб чиқиш бўйича қатор илмий-тадқиқот ишлари

амалга оширилмоқда. Хусусан, нўхат навлари билан банд шудгорни ташкил этиш ва самарадорлигини ошириш, мақбул экиш муддатини аниқлаш ва бегона ўтларни бартараф этиш технологиясини ишлаб чиқиш масалалари амалга оширилмоқда.

Агар нўхатни анъанавий баҳорги экиш муддатини қиш олди тўқсонбости усулида декабр ойининг ўртасида экишга кўчирилса, ҳосилдорлиги 1,5-2 ҳиссагача ошиши билан бирга тупроқ унумдорлигини ошиши эвазига буғдойнинг дон ҳосилини 50-60% гача ошириши аниқланди.

Лекин, нўхат қиш олдида экилса бегона ўтлар кўпайиб кетиши кузатилди. Шу сабабли ҳам қиш олдидан экилган нўхат даласидаги бегона ўтларга қарши курашиш масаласи устувор муаммолардан бирини ташкил этмоқда.

Қиш олдидан декабр ойининг ўртасида экилган нўхатнинг Юлдуз нави даласидаги бир йиллик ва кўп йиллик бошоқли бегона ўтларга қарши Швейцариянинг “Сингента” фирмасида ишлаб чиқилган таъсир этувчи моддаси флуазифоп-п-бутил бўлган Фюзилад супер 3 л/га меъёрда апрел ойининг бошида қўлланилганда бундай бегона ўтларнинг деярли ҳаммасининг нобуд бўлиши эвазига нўхатнинг дон ҳосилини 1,5-2,0 ҳиссагача ошишига эришилади.

Шунингдек, доннинг сифатини оширишда экиш муддатлари, меъёрлари ва ўғитнинг таъсири бўйича ҳам қатор ишлар амалга оширилган бўлиб, барча турдаги агротехнологик жараёнлар ўз вақтида ва сифатли ўтказилиши мўл ва сифатли дон ҳосилининг бош омили эканлиги аниқланди.